

«...».

«...» :... :... :... * ... } ...».

1. Абу Хурайра розияллоху анху айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Қай бир тилло ёки кумуш эгаси унинг ҳаққини адо этмаса, қиёмат куни унинг учун оловли лаппаклар қилиниб, жаҳаннам оловида қиздирилади. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда бандаларнинг орасида ҳукм чиқарилиб, у ё жаннат, ё дўзах сари ўз йўлини кўрмагунича улар билан унинг ёнбоши, пешонаси ва орқаси куйдирилаверади. Совиши билан яна қайтарилаверади».**

«Эй Аллоҳнинг Расули, туя-чи?» дейишди.

У зот шундай дедилар: **« Қай бир туя эгаси ундан ҳаққини адо қилмаса, - суғорадиган куни уни соғиш ҳам унинг ҳақларидандир - қиёмат куни у кенг, сип-силлиқ ерга юзтубан ташланади. (Туялари) энг етилган ҳолатларида келишади, бирорта бўталоғи ҳам қолмай уни туёқлари билан депсашади, оғизлари билан тишлашади. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда бандаларнинг орасида ҳукм чиқарилиб, у ё жаннат, ё дўзахга борадиган йўлини кўрмагунича биринчиси устидан ўтса, охиргиси қайтарилаверади».**

«Эй Аллоҳнинг Расули, мол ва қўй-чи?» дейишди.

У зот шундай дедилар: **«Қай бир мол ва қўй эгаси ундан ҳаққини адо қилмаса, қиёмат куни у кенг, сип-силлиқ ерга юзтубан ташланади. (Мол ва қўйдан) бирортаси қолмай уни шохлари билан сузишади, туёқлари билан тепкилашади. Уларнинг орасида қайрилма шохи, тўқоли ва синиқшохи бўлмайди. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда бандаларнинг орасида ҳукм чиқарилиб, у ё жаннат, ё дўзахга борадиган йўлини кўрмагунича биринчиси устидан ўтса, охиргиси қайтарилаверади»**, дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, от-чи?» дейишди.

У зот шундай дедилар: **«От уч хил бўлади. От бир киши учун гуноҳ бўлади, бир киши учун тўсиқ бўлади, бир киши учун эса ажр бўлади.**

У (яъни от) ўзи учун гуноҳ бўладигани уни риё, фахр ва Ислom аҳлига душманлик учун боғлаган киши бўлиб, у унинг учун гуноҳдир. Тўсиқ бўладигани эса уни Аллоҳ йўлида боғлаган, унинг бели ва гарданидаги Аллоҳнинг ҳаққини унутмаган киши бўлиб, у унинг учун тўсиқдир. Ажр бўладиганига келсак, уни Ислom аҳли учун яйлов ёки ўтлоққа боғлаган киши бўлиб, у ўша яйлов ва ўтлоқдан ер экан, қанча еса, унга шунча ҳасанот ёзилади. Унга унинг тезак ва пешоблари миқдорича ҳасанот ёзилади. Арқонини узиб, бир-икки қир ошиб, ўйноқлаб кетса, излари ва тезаклари сонича унга ҳасанот ёзилади. Эгаси уни бир дарё олдидан олиб ўтаётиб, уни суғормoқчи бўлмаса ҳам, у ундан ичса, ичгани миқдорича унга ҳасанот ёзилади».

«Эй Аллоҳнинг Расули, эшаклар-чи?» дейишди.

У зот шундай дедилар: «Менга эшаклар ҳақида мана бу нодир, қамровли оятдан бошқа нарса нозил қилинмаган: «Бас, ким зарра оғирлигича яхшилик қилса, уни кўради. Ким зарра оғирлигича ёмонлик қилса, уни кўради». (Залзала сураси, 7-8 оятлар.)

Изоҳ: Бу ерда «боғлаш» деганда отни сақлаш, боқиш тушунилади. Аллоҳ таолонинг отнинг гарданидаги ҳаққи нисобга етганида закотини беришдир. Белидаги ҳаққи эса унга ортиқча юк ортиб, жабр қилмаслик ҳамда уни Аллоҳ рози бўладиган ишларга минишдир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI